



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 8 август, № 161 (8504)

Сешанба Сайтизмизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИХАЛАРИ ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик лойиҳаларининг бориши ҳақида ахборот берилди.**

Сўнгги йилларда пойтахтимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Қўлаб тураржойлар, ишбилармонлик марказлари, корхоналар, хиёбонлар барпо этилди. Энди урбанизация жараёнида узқоқни ўйлаб, қурилишлар шаҳар ташқисидида амалга оширилмоқда.

Улардан энг муҳимлари — Олимпия шаҳарчаси ва Янги Тошкент лойиҳаларидир.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 9 ноябрь куни Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйган эди. Унинг майдони 100 гектар бўлиб, 10 минг ўринли енгил атлетика ва футбол стадиони, 6 та ёпиқ ва 7 та очиқ спорт иншоотлари, сув спорти саройи, велотрек, яккакураш, жамоавий спорт мажмуалари барпо этилади. Бу ерда 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ва Параосиё ўйинлари ўтказилади.

Лойиҳа дунёнинг 70 та мамлакатда спорт иншоотлари қурган Хитойнинг "САС Engineering" компанияси билан биргаликда амалга оширилмоқда. Қурилишга мингдан зиёд ишчи ва муҳандислар, илгор техникалар жалб қилинган. Ҳозирги кунга қадар 7 та асосий бинонинг ер ости ишлари тўлиқ бажарилган. Навбатдаги босқичлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ушбу ҳудуд яқинида яна бир шаҳар — Янги Тошкент қурилиши режалаштирилган. Президентимиз жорий йил 18 март куни унга тамал тоши қўйган эди. Лойиҳанинг биринчи босқичида 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, давлат идоралари учун маъмурий бинолар, боғлар, ижтимоий ва иқтисодий объектлар барпо этилади.

Тақдиротда шу борадаги дастлабки ишлар ҳақида ахборот берилди. Бугунги кунда шаҳарни лойиҳалаштириш ва қурилишни мувофиқлаштириш учун дирекция тuzилган. Ҳудуд чегаралари тасдиқланиб, Кадастр агентлиги билан инвентаризация қилинган. Инфратузилма ва меъморий ечимларнинг турли босқичлари бўйича Сингапур, Буюк Британия, Нидерландия, Туркия компаниялари ва маҳаллий тадбиркорлар билан шартномалар тuzилган.

Хусусан, Сингапурнинг "Meinhardt group" компанияси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳада ижтимоий соҳа объектлари жойлашуви, транспорт тармоқлари ва уларни пойтахтимиз билан боғловчи йўлларга алоҳида эътибор қаратилган.

Тақдиротда, шунингдек, Ўзбекистон Ислон цивилизацияси марказининг ички меъморий қиёфаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Марказдан ўрин оладиган музейда мутафаккир боболаримизнинг илмий мероси, улар яшаган давр муҳити акс эттирилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ўз вақтида, сифатли барпо этиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.а.

### Ҳамкорлик

Санжай ВЕРМА:

**Биз икки томонлама алоқаларимизнинг бугуни ва келажагини узқоқ йиллик тарихий ришталаримиз асосида дадил қуришимиз мумкин**

Тошкентда Ўзбекистон — Ҳиндистон сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги давраси бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Санжай Верма бошчилигидаги Ҳиндистон делегацияси 7 август куни Ўзбекистонга келди.



## УЧЛИК ФОРМАТИ:

# ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ЯНГИ ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 август куни Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов раислигида ҳамда Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон иштирокида ўтган уч томонлама саммитда иштирок этди.

### Муносабат

Ўзбекистон ташқи сиёсати ҳақида сўз кетганда, биринчи навбатда, қўшни давлатлар кўз олдимишга келади. Чунки Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни мустақамлаш ва кенгайтириш мамлакатимиз дипломатиясининг бош мақсадидир. Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим давлат ҳисобланади ва алоҳида роль ўйнайди. Мамлакатимизнинг минтақадаги муҳим аҳамияти хорижий эксперт ва сиёсий доиралар вакиллари томонидан ҳам эътироф қилинади. Тошкент минтақадаги барча қўшни давлатлар билан стратегик ҳамкорлик тўғрисида шартнома ёки иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги келишувлар тузган бўлиб, бу юқори даражада минтақавий сиёсат олиб бориш имконини беради.

Ўзбекистон ҳамкорлики ривожлантириш бўйича ташаббусларни илгари сурган ҳолда, минтақада бирон-бир устуворликни кўзламайди. Ўзбекистон ташаббуслари барча мамлакат манфаатларини ҳисобга олади, консенсус тамойлига асосланади. Тошкентнинг фаол, ташаббускор ва конструктив дипломатияси тўғрисидаги шаклланиган минтақадаги янги сиёсий реаллик Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида кен доиралар масалалар бўйича ўзаро ҳаракатларни қучайтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Ашхободда 4 август куни ўтказилган Марказий Осиёнинг уч давлати — Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг учрашуви бўйича мисол бўлди. Учрашув давомида томонлар Марказий Осиё кун тартибидидаги кўпжаб муаммолар масалалар ечимини муҳокама қилдилар. Учрашув кун тартибига мувофиқ, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергетика соҳасини ривожлантириш, транспорт-логистика салоҳиятини ошириш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Бундай форматдаги биринчи учрашув стратегик шериклик муносабатларини ва ўзаро ишонччи янада мустақамлаш, уч мамлакат ва умуман, минтақа олдига турган долзарб масалаларга ўзаро мақбул ечимни қидириб топиш бўйича конструктив мулоқотни давом эттиришга қаратилган. Бу — дўстлик ва яхши қўшничилик, уч давлат халқларининг умумий тарихи, анъаналари, маданияти ва цивилизация муштараклигига асосланган ҳар томонлама алоқаларни янада мустақамлаш ва чуқурлаштиришга бўлган интилишларнинг амалий исботидир.

Ўзбекистон, Туркменистон ҳамда Тожикистон нафақат жуғрофий ва геосиёсий омиллар, яъни Афғонистонга қўшни ҳамда

Амударё бўйида жойлашган, балки экологик ва иқтисодий хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ умумий хавф-хатар жиҳатидан ҳам

турли даражадаги ўзаро ташрифлар алмашуви фаоллашди. Натижада сувдан фойдаланиш, чегарани кесиб ўтиш, минтақавий даражада транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш сингари мураккаб масалаларга ечим топилди.

Дарвоқе, сувдан биргаликда ва оқилона фойдаланиш масалалари

чайиб кетиши ҳамда аҳоли турмуши даражасига жиддий таъсир қилиши мумкин.

Марказий Осиё океан ва денгизлардан олисда жойлашган, қурғоқчил ҳудуд бўлгани сабаб бу ерда сув манбалари стратегик аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилган "сув дипломатияси" минтақадаги трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишдаги кескинликни сезиларли даражада юмшатган бўлса-да, ҳозирги кунга қадар ҳам Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида халқаро стандартларга асосланган сувдан фойдаланишнинг умумий қоидалари ишлаб чиқилмаган. Жаҳон банки экспертларига кўра, 2050 йилга бориб Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. 2050 йилда Марказий Осиёда чучук сув тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин. Шу боис давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев сув таъминотидаги хавф-хатарга эътибор қаратиб, уларга муносиб ва чуқур ўйланган жавобларни биргаликда ишлаб зарурлигини кўрсатиб ўтди. Сув тежайдиган илгор технологияларни жорий этиш ва ирригация тизимларини модернизациялаш, сув ресурсларини бошқариш жараёнини рақамлаштириш, сел ва тошқин сувларини тўллаш ҳамда сақлаш учун инфратузилмани биргаликда ривожлантириш каби йўналишларда ҳамкорликни фаоллаштириш таклиф қилинди.



## ДИЛДОШЛИК ВА ДУНЁДОШЛИК САОДАТИ

Шу йилнинг 1 — 4 август кунлари Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

### Хотира денгизи

Ўзбекистонда иссиқ қирқ беш даражани ортда қолдирган, Озарбайжонда ўттиз даражадан ўтаётган, чилла роса кунга тўлган кунлар... Шундай паллада Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Ўзбек санъати ва маданияти, меҳр ва муҳаббатнинг ҳарорати, тафти-отташи эллик-олтмиш даражаларни ҳам анча ортда қолдирди-ёв... Озарбайжон заминидида қалбларни қиздирган, қайнатган, тоштирган ва жўштирган ўзбек санъати — кўшиқлари, рақслари, шеърлари бўлди.

Маданият кунлари Озарбайжон озолиги, мустақиллиги, тараққиёти, халқ фаровонлиги ва ёруғ келажаги йўлида меҳнат қилган, курашган миллат фидойилари хотирасини ёд эттишдан, улар мангу қўним топган маскан зиёратидан бошланди.

Пойтахт Бокунинг Парламент проспекти. Фахрий хиёбонда озарбайжон халқининг кўзга кўринган фарзандла-

### Таассурот

эл-юрт ардоқлаган буюк миллат қаҳрамонлари шу ерда абадий ором қўйнида... Ўзбек санъаткорлари ва адибларидан иборат гуруҳ кўм-кўк дарахтзорлар оғушидаги озода ва ораста қабрларга гулу гулдасталар қўйишди. Улуғлар пойида Куръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Озарбайжон маданият вазирлари бошчилигидаги делегациялар Бокудаги Шахидлар хиёбонидида бўлишди. Бу ерда ўтган асрнинг ўн саккизинчи, тўқсонинчи йилларида Ватан мустақиллиги йўлида курашиб, собиқ советлар мамлакатининг ҳарбий террори оқибатида ҳалок

бўлган Озарбайжон ўғил-қизлари дафн этилган. Қора мрамар лавҳаларга марҳумларнинг қимлиги, таваллуд ва вафот санаси дарж этилган. "Мангу олов" ёдгорлик мажмуаси атрофидан зиёратчилар қадами узилмайди. Ҳалок бўлганларга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Мангу олов ва хотира лавҳаларига гуллар қўйилди.

Мажмуа тепалигидан қарасангиз, пастда чексиз Ҳазар денгизи гоҳ жимирлайди, гоҳ гувронади. Бу мавжлару тўлқинлар даврлар ва замонларнинг кўп-кўп сир-синаотларини ўз бағрида яширган... Кучли шамол гувиллайди... Хотира денгизини чайкатади...

Хиёбондан чиқиб борарканмиз, ноҳақ қатагонга учраган улуг шоир Абдулхамид Чўлпоннинг "Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси" сатри осмонларда оқчарлоқлар каби қанот қоқиб учаётгандек туюлди.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

5 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг қирқ учинчи ялпи мажлисида "Волонтер фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди. Беҳад мамнун этди. Бу соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатининг юксак эътирофи бўлди.

Хиёбондан чиқиб борарканмиз, ноҳақ қатагонга учраган улуг шоир Абдулхамид Чўлпоннинг "Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси" сатри осмонларда оқчарлоқлар каби қанот қоқиб учаётгандек туюлди.

Шу билан бирга, волонтерлик фаолиятини янада рағбатлантириш, давлат органларининг волонтерлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан ҳамкорликни қучайтириш, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда волонтерларга кўмаклашиш, уларнинг



## ТЕМИР ЙЎЛЛАР — МАМЛАКАТНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚОН ТОМИРЛАРИ



Давлатимиз раҳбарининг Темир йўл транспорти соҳаси ходимлари куни муносабати билан йўллаган табриги биз, темир йўлчиларни беҳад мамнун этди. Бу соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатининг юксак эътирофи бўлди.

### Инфратузилма

Президентимиз темир йўлчилар меҳнатини қадрлаб, 2017 йил 2 август куни "Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида"ги Фармони имзолаган эди. Унга кўра, ҳар йили август ойининг биринчи яшанбаси темир йўл транспорти ходимлари куни сифатида расман байрам қилинади. Темир йўлчилар жорий йилги касб байрамини ҳам мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги улкан, тарихий аҳамиятга эга, халқимиз фаровонлиги, давлатимиз иқтисодий юксалиши, қолаверса, юртимиз, юрдошларимиз келажагига катта наф келтирадиган янги лойиҳалар билан кутиб олди.



УЧЛИК ФОРМАТИ:

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ЯНГИ ТАКЛИФЛАР

Бу масалаларда Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг бугун салоҳиятини ҳамда Жаҳон банки ва Осиё индустриал-инвестициялар банки каби шерик ташкилот ҳамда тузилмалар доирасидаги ҳамкорликини ишга солиш лозимлиги таъкидланди. Бугун минтақа давлатлари ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш, худудлараро ва чегарадош минтақалар ўртасида савдо зоналарини очиш ҳамда кенгайтириш масаласи ҳам устувор вазифа. Зеро, бу чоралар халқларимизнинг фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Туркменистон Президентининг 2022 йил октябрда юртимизга ташрифи чоғида “Лебап — Бухоро” ва “Тошхоров — Хоразм” чегара савдо зоналарини ишга туширишни тезлаштириш бўйича келишув имзоланганди. Ўзбекистон ва Туркменистон давлат раҳбарларининг учрашуви чоғида “Шовот — Тошхоров” қўша савдо зонасини тез фурсатда ишга тушириш зарурлиги қайд этилди. Келишилган ҳолда қўша лойиҳа офисининг ташкил қилиниши ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди, албатта. Худудлараро алоқаларнинг истиқболлари нуктаи назаридан шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши бугун Марказий Осиё ёндоқлиги мамлакатлари учун янги иқтисодий имкониятларни очиб беради. Ва табиийки, минтақа мамлакатларининг муштарак очкич, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик сиёсати ўзининг амалий натижаларини бераётди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва логистика соҳаларида савдо амалиётлари ҳамда кооперация келишувлари каррасига ошди. Бу қўшни давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига сезиларли ижобий таъсирини кўрсатди. 2022 йил якунларига қўра Ўзбекистоннинг мин-

тақавий ташқи савдо айланмаси ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 3 баробар ошгани ҳолда 7,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувлар ҳам кенгайдди. Бунда Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг самарали фаолиятини таъкидлаш ўринли. Ашхободдаги саммитда Президентимиз Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энергетика соҳасида, шу жумладан, энергия ресурсларини етказиб бериш ва уларнинг транзити борасида яқин, самарали ҳамкорликни давом эттириш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Мамлакатларимизнинг “ашилли” иқтисодийга ўтишга интилиши муштарак эканини ҳисобга олиб, гудро ва иссиқлик энергетикасида лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди. Ўзаро интеграциялашган транспорт инфратузилмасини яратиб беришдаги савдо-иқтисодий алоқаларни бирлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон йўналигининг ривожлантирилиши, Транскаспий йўналиши салоҳиятининг ишга солиниши Марказий Осиёнинг Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб халқаро йўлақларидаги транзит маркази сифатидаги жозибдорлигини оширишига ишонч билдирди. Марказий Осиё мамлакатлари учун транспорт ва логистика кун тартиби йирик қўшиллар билан ақинлаштиришда тобора муҳим омили бўлиб қолмоқда. Минтақадан жанубга деярли барча товарлар Туркменистон орқали ўтади. Бошқа томондан, минтақадан юк ташиш энди Осиё ва Яқин Шарқнинг Жануб-Ғарбий минтақасига анча қисқа йўл орқали етказиб берилиши мумкин ва у ҳам Туркменистон орқали ўтади. Маълумки, биринчи ярим йилликда Ўзбекистон қовун яратишидан рекорд даражада-

ги ҳосилни экспорт қилган, уларнинг бир қисми Жанубий Осиё мамлакатларига Туркменистон орқали етказиб берилди. Шу билан бирга, Тожикистон узоқ вақтдан бери Туркменистон орқали бошқа мамлакатларга юк ташиш юзасидан музокаралар олиб бормоқда. Ушбу формат эса икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда жуда муҳим масалаларни ҳал қилиш имконини беради. Шунингдек, Туркменистон ҳам минтақадаги ўз қўшилари билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдордир. Туркменистондан Хитойга газ қувури Ўзбекистон орқали ўтади, бу табиий газ ҳисобида маблағларнинг ишончли кириб келишини таъминлайди. Томонларнинг Тожикистон — Ўзбекистон — Туркменистон йўналиши бўйича мултимодаул қўшилари фаолаштириш юзасидан келишуви диққатга сазовордир, бу эса ушбу мамлакатларнинг Каспий ва Араб денгизларидаги портларга чиқиш имконини беради. Шу мақсадда халқаро юк ташувчилар учун қўлай шароитлар яратиш, рақамлаштириш жадаллаштириш ва назорат-ўтказиш масканларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш йўлида биргаликда ишлаш таклиф қилинди. Шубҳасиз, учлик ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг яна бир йўналиши — бу Афғонистон. Хар бир давлатнинг Афғонистон билан ҳамкорлик учун улкан салоҳияти ва ташаббуслари бор. Хусусан, Ўзбекистон “Трансафгон йўлағи”, Туркменистон “ТАПИ” ва Тожикистон “CASA-1000” лойиҳаларини илгари сурмоқда. Яъни давлатларимиз томонидан Афғонистондаги аҳолини меъёрига келтириш учун ҳам сиёсий дипломатик савий-ҳаракатлар олиб бориляпти, иқтисодий чоралар кўриляпти. Жумладан, умуминтақавий аҳамиятга молик транспорт лойиҳалари



Каландар АБДУРАҲМОҲОВ, академик.

амалга ошириляпти ва ушбу давлат аҳолиси электр энергияси билан таъминланяпти. Ҳайратон — Мозори-Шариф темир йўли, Акина — Андой темир йўли шохобчаси, шунингдек, “Сурхон — Пули Хумри”, “Керки — Имомназар — Андой”, “Серхетобод — Ҳирот”, “Работкашан — Қалайнов” ва “Керки — Шибиргон” электр узатиш тармоқлари лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилганга бундан бундан савий-ҳаракатларнинг яққол амалий натижасидир. Мазкур ўта муҳим лойиҳалар Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса бўлиб қилиляпти. Бу уч давлатга чегарадош Афғонистондаги вазият анча барқарорлашган, аммо хавфлар мавжуд. Минтақа мамлакатлари халқаро терроризм, радикал мафкуралар импорти ва гиёҳванд моддалар савдоси хавфи билан дуч келмоқда. Афғонистон билан чегарадош учта давлат ҳам афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишдан манфаатдор. Ўзбекистон

ҳам, Тожикистон ҳам, Туркменистон ҳам денгиз портларига, жумладан, Каспий денгизи ва Форс кўрфазига чиқишни таъминлаш учун транспорт коммуникациялари, қўлай логистика ва транзит бўйича катта салоҳиятга эга. Афғон муаммосининг ечими эса Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини амалга ошириш учун кенг ҳамда истиқболли имкониятларни очиб беради. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича келишилган қарорлари ишлаб чиқилгани аллақачон реал ҳақиқат бўлиб, Марказий Осиёнинг учта давлати раҳбарлари бундай қадамга тайёр эканликларини намойиш этмоқда. Юқоридаги омилларнинг барчаси умумий минтақавий муносабат ва тегишли жавобни талаб қилади. Ашхободда бўлиб ўтган уч томонлама саммитнинг асосий мақсадларидан бири ҳам шунда. Давлатимиз раҳбарининг Ашхободга ташрифини расмий Тошкентнинг конструктив сиёсий мулоқотда амалий натижаларни мустаҳкамлаш, транспорт-логистика, сув-энергетика, агросаноат, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга интилишининг мантқиқий давоми сифатида қараш керак. “Учлик” форматидagi музокаралар эса савий-ҳаракатларни бирлаштириш ва минтақавий ҳамкорлик кун тартибини самарали илгари суриш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Шубҳасиз, Ашхободдаги уч мамлакат етакчиларининг учрашуви дунёдаги ноаниқликлар оқибатида юзга келаятган иқтисодий хавф-хатарларни бартараф этиш, минтақанинг савдо-иқтисодий, транспорт ва логистика салоҳиятини бойитиш бўйича аниқ режаларни шакллантиришга замин яратди. Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан мунтазам равишда олиё даражадаги ташрифлар алмашинуви Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқин қўшничилик сиёсатига тўла мос келади ва минтақавийлаштириш жараёнига жалб қилинган минтақа давлатларининг манфаатларига тўла жавоб беради.

Санжай ВЕРМА: Биз икки томонлама алоқаларимизнинг бугунги ва келажакнинг узоқ йиллик тарихий ришталаримиз асосида дадил қуришимиз мумкин



Делегация Ташқи ишлар вазирлигида вазир Бахтиёр Саидов томонидан қабул қилинди. Учрашувдан сўнг Ўзбекистон — Ҳиндистон сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги давраси бўлиб ўтди. “Биз жадал ривожланиётган Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги ва юқори суръатни сақлашда Ташқи ишлар вазирлигининг фаол ўрнига алоҳида эътибор қаратдик”, деб ёзди Ўзбекистон ТИВ раҳбари ўзининг “Telegram” каналда музокаралардан сўнг.

Сиёсий маслаҳатлашувларнинг 16-даврасида Ўзбекистон делегациясига ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Бахромжон Аълоев, Ҳиндистон томонига ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Санжай Верма бошчилик қилди. ТИВда бўлиб ўтган музокаралардан сўнг Ҳиндистон делегацияси раҳбари Санжай Верма агентлик муҳбирига интервью берди: — Мамлакатларимиз ташқи сиёсат идоралари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш учун Тошкентда бўлиб турганидан жуда хурсандман. Ўтказилган му-

зокараларнинг асосий мақсади — икки томонлама муносабатларни барча соҳада, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни яхшилашдан иборат. Давлатларимиз ўртасидаги ташқи савдо айланмаси қарийб 800 миллион долларга етди. Лекин бу чегара эмас ва бу кўрсаткични 5 миллиардга етказишимиз мумкин, бу мақсадни раҳбарларимиз белгиланган беради. Мен бу амбицияли деб баҳсламайман, лекин бунга, биринчи навбатда, уланиш масалаларини ҳал қилиш орқали эришиш бизнинг қўлимизда. Уйлайманки, логистика ривожига, жумладан, Чобахор порти орқали ўтадиган халқаро транспорт коридоридан фойдаланиш ҳам ёрдам беради. Ўзбекистонда бўлиш шахсан мен учун катта шараф эканини яна бир марта таъкидламоқчиман. Умуман олганда, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун узоқ йиллик тарихий алоқаларга таяниш керак, деб ўйлайман. Биз шу асосда бугунги кунни дадил қуришимиз, шунингдек, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги ижобий ҳамкорлик меросини келажак авлодга етказишимиз мумкин. Ҳиндистон делегацияси дастуридан, шунингдек, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига ташриф буюриш ва 15 август — Ҳиндистон мустақиллик куни муносабати билан ташкил қилинадиган байрам тадбирида иштирок этиш ўрин олган.

«Дунё» АА.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР — МАМЛАКАТНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚОН ТОМИРЛАРИ



Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида 2 минг 400 километрдан ортиқ янги темир йўллар барпо этилган, мавжуд темир йўлларнинг 3 минг километрдан зиёди электрлаштирилган, 1 минг 100 километр қисми қайта тикланган соҳада тарихан қисқа даврда улкан ишлар амалга оширилганидан далолат беради. Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улкан ва эзгу мақсадни ўз олдимиизга қўйган эканмиз, замонавий тараққиёт омили бўлган темир йўл соҳаси ривожига алоҳида аҳамият беришимиз табиийдир. Шу мақсадда кейинги йилларда шу борада Президентимиз ташаббуси асосида амалга ошириляётган кенг қўламли ишлар туфайли Ўзбекистоннинг транзит салоҳияти ва нуфузи ортиб бормоқда. Хеч шубҳасиз, юртимизда темир йўл тармоқларининг кенгайиб бораётгани барча худудни ўзаро мутаносиб ривожлантириш, бой минерал хомашё ресурсларини комплекс ўзлаштиришда янги-янги имкониятлар очмоқда. Президентимизнинг соҳа ходимларига йўлаган таъбир-таъкиддан бундан ташқил, 380 миллион нафар йўловчи манзилга етказилгани ҳам яққол тасдиқлайди”.



Шу маънода, темир йўллар — мамлакатнинг ҳаётбахш қон томирларидир, деган ибора аниқ ҳақиқатдир. Албатта, халқимизнинг узогини яқин, оғирини енгил қилишда темир йўл энг қўлай ва хавфсиз транспорт тури. Айниқса, “Инсон қадрини унун” деган эзгу тамойил ислохотлар марказига қўйилган бугунги кунда ушбу транспортнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Шунинг учун темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизматлар сифатини яхшилаш, соҳанинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, локомотивлар, юк ва йўловчи вагонлари парки модернизация қилиниб, янги вокзаллар, муҳандислик иншоотлари барпо этилмоқда, юқори малакали кадрлар

тайёрлаш, уларнинг билим ва тажрибасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада олиб бориляётган изчил ислохотлар натижасида азим пойтахтимизда Юнусобод, Сирғали ер ости ва ер усти метро йўналишлари фойдаланишга топширилгани, қадимий Хива шаҳрига темир йўл тармоғи тортилиб, замонавий вокзал барпо этилгани ва бошқа йирик лойиҳаларни айтиш ўринлидир. Бу ишларнинг узвий даври сифатида Тошкент шаҳрида ер усти метросининг ҳалқа йўлини куриш, Бухоро — Мискин темир йўл тармоғини электрлаштириш, Шовот — Қораўзақ янги темир йўл линияси ҳамда Аму-дарё узра темир ва автомобиль йўллари кўпригини барпо этиш бўйича жадал ишлар олиб боришмоқда. Айни чоғда ҳозирги шиддатли тараққиёт даврида соҳани янада ривожлантириш бўйича

ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Хусусан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси талаблари асосида мамлакатимиз темир йўл тизимини модернизация қилиш, соҳага хорихий инвестицияларни кен жалб этган ҳолда, йирик ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янгица фикрлайдиган, халқимиз ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қиладиган замонавий кадрларни тайёрлаш борасида жуда кўп хайрли ишлар уйдаланяпти. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кўп миллатли ва аҳил жамоаси фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти билан белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб, мамлакатимиз темир йўл тармоғи ривожини, албатта, янги босқичга олиб чиқади. Соҳада ислох қилиниши лозим бўлган асосий йўналишлардан бири — юк ва йўловчи вагонларини янгилаш, локомотив паркинни тубдан ривожлантириш. Кўрилган самарали чоралар туфайли замонавий тепловоз

замонавий поезд қатнови йўлга қўйилган бўлиб, маҳаллий ва халқаро йўловчиларга сифатли ва ишончли хизмат кўрсатиляпти. Кейинги йилларда юк ва йўловчи вагонларни маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилляпти. “Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи” АЖ томонидан йўловчи вагонларини таъмирлаш ва янгилашни куриш йўлга қўйилиши туфайли йилга миллионлаб доллар валюта тежалмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимида юқори малакали мутахассислар бор, замонавий оғир техника воситалари мавжуд. Ўтган йиллар давомида оғир саноатда курилмиш ишлари учун зарур қўшимча замонавий техника сотиб олинди. Бу эса нафақат соҳа тараққиёти учун, балки бошқа йўналишларда ҳам бунёдкорликни ишончли ва сифатли амалга ошириш имконини беради. Тармоқ тасарруфидаги



Эркин УММАТОВ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Қазирмони.

ки юртимиз кўркмига кўрк қўшмоқда. Юк ташиш соҳасида мижозлар ва тадбиркорлар учун станцияларда қўлай шароитлар яратилди. Тизим тасарруфидаги манзилларнинг аксарияти янгидан курилиб, юк ташиш ва мижозларга хизмат кўрсатишда электрон тизимдан фойдаланилмоқда. Бу эса хизмат кўрсатаётган мутахассислар учун ҳам, мижозлар учун ҳам ҳар томонлама қўлай муҳитни шакллантирди. Логистика йўналиши ҳам кундан-кунга ривожланиб, юкларни контейнерлар орқали ташишда халқаро мултимодаул йўналишлар вужудга келмоқда. Бу эса маҳаллий ва халқаро йўналишлардаги транзит юклар янада кўпайишига йўл очмоқда.



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

ва электровозлар сотиб олинди. Йўловчиларга янада қўлайлик яратиш мақсадида халқаро талабларга мос янги вокзаллар курилиб, мавжудларни қайта таъмирланди. Марказий Осиё давлатлари орасида ягона бўлган юқори тезликда ҳаракатланадиган “Афросиёб” электропоездининг қатнов харақати кенгайиб борапти. Бугунги кунда йўналишлари нафақат аҳолига қўлайлик яратмоқда, бал-

“Кўприқкурилиш трести” унитар корхонаси мутахассислари томонидан олиб бориляётган бунёдкорлик ишлари халқимиз эътирофига сазовор бўлмоқда. Пойтахт ва худудларда барпо этиляётган замонавий ва маҳобатли кўприклар, йўлтуқазгичлар, Тошкент шаҳрида куриляётган ер усти халқа метро йўналишлари нафақат аҳолига қўлайлик яратмоқда, бал-

Анжуман

II ХАЛҚАРО «ЁШЛАР ТУРИЗМИ» ҚУРУЛТОЙИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги “Лочин” болалар-соғломлаштириш оромгоҳида II халқаро “Ёшлар туризми” қурултойи ўз ишини бошлади.

Шу йилнинг 11 августига қадар давом этадиган анжуманга мамлакатимизнинг барча худуди ҳамда Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия давлатларидан келган ёшлар иштирок этаётди. Шу билан бирга, тадбирга иқтисодий, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жумладан, ногиронлиги бўлган ёшлар ҳамда “ёшлар дафтари”га киририлган 50 дан ортиқ ўқувчи ва талабалар ҳам жалб қилинган. — Қурултой кун тартибидан кўпплаб қизиқарли лойиҳалар ўрин олган, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Алишер Зокиров. — Турли танловлар, тақдиротлар, учрашувлар ҳамда китобхонлик кўни, миллий ва этносспорт турлари бўйича спорт мусобақалари, маданий-қўниғонлар дастурлар шулар жумласидан. Бугун II халқаро “Ёшлар туризми” қурултойининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Жаҳонгир БОЙМУРОВ («Халқ сўзи»).

Инновация

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ — УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНОТ ВА СОФ ДАРМОД МАНБАИ

Мамлакатимизда “ашилли” энергетикага ўтиш ишлари оммалашмоқда. Айни чоғда қуёш панелларини ўрнатиш орқали электр энергияси билан боғлиқ муаммоларга ҳам барҳам бериш мумкин.

— Институтимизда аънанавий электр энергияси-дан фойдаланишда бир йиллик сарф-ҳаражат 500 миллион сўмини ташкил этаётганда, — дейди Андижон давлат чет тиллари институти ректори Дилшодбек Рустамов. — Жорий йилнинг бошида 240 киловатт/соат мукобил энергия ишлаб чиқарувчи қуёш панелларини ўрнатилиши Бунинг натижасида йил якунига қадар 300 миллион сўм маблағ тежашни режалаштирганмиз. Қолаверса, институт ходимлари орасида ихтиёрий равишда “Қуёшли хонадон” лойиҳаси ишга туширилган бўлиб, унда ҳар бир оила хонадонига 3 кВт/соатдан 5 кВт/соатга қувватга эга бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Афзаллик жи-ҳатлари мақтаса арзиғулик: узлуқсиз таъминот, хавфсиз ҳаракат, экологик хатарсиз ва ойига 150 — 200 минг сўм соф даромад. Зеро, истеъмолдан ортиган ҳар киловатт энергияни 1000 сўмдан сотиш имкони мавжуд. Шу ўринда айтиш жоизки, бу йил Андижон вилоятида 7460 та объектга қуёш панеллари ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, хозиргача 5981 та объект 19800 киловатт қувватга эга панелларга эга бўлди. Албатта, бу омиллар яқинлашиб келаятган куз-қиш мавсумида электр энергияси таъминотидаги узилишларнинг олдини олишда қўл келади.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ўз навбатида, Сенат аъзолари томонидан қонун муҳокамаси жараёнида киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар волонтерлик фаолиятини ривожлантиришда республика ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини оширишга ҳамда волонтерлик фаолиятини янада рағбатлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Шунингдек, сенаторлар ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда, айниқса, ёшлар орасида хайрли ташаббуслар янада қўйилишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига қўшимча ва ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёввойи ҳайвонларнинг табиий зотга оид турларининг, айниқса, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларнинг барқарор яшаш шароитларини таъминлаш ҳамда сақлаб қолиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, йиртқич ва заҳарли ёввойи ҳайвонларни яримэркин шароитларда ёки тутқунликда сақлаш, улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш, уларни жамоат жойларида сайр қилдириш натижадаги турли нохуш ҳодини уяратганлиги тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу боисдан ушбу қонун билан ёввойи ҳайвонларни сақлашни тартибга солиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан сақлашни тақиқланган ёввойи ҳайвонларнинг рўйхатини, шунингдек, мазкур рўйхатга киритилган ёввойи ҳайвонларни юридик шахслар томонидан сақлаш тартибини белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклатилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ёввойи ҳайвонларни сақлаш ҳамда улардан турли мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолларда аҳолининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга, шунингдек, ваколатли давлат органининг ушбу йўналишдаги жавобгарлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлиса "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ветеринария соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, самарали ветеринария назоратини таъминлаш ва ветеринария хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш



Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан ветеринария соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича замонавий таълим тизимини яратиш, шунингдек, мазкур соҳада фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини янада қўлайлаштириш зарурлиги юзага келимоқда.

Шу боисдан ушбу қонун билан ветеринария хизмати таркибий бўлинмаларидан бирининг номини аниқлаштирувчи, шунингдек, ветеринария назорати объектиларига монеликсиз кириш юзасидан бош давлат ветеринария инспекторларининг, улар ўринбосарларининг ва давлат ветеринария инспекторларининг ваколатларини қисқартирувчи ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Ўз навбатида, Сенат аъзолари томонидан қонун муҳокамаси жараёнида киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ветеринария соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектларининг янада таъминлашга ва давлат ветеринария инспекторлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг тартибини такомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Худудларда норузда фойдали қазилмалар ҳамда қурилиш учун кум, чакилган тош маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ихтисослаштирилган санат зоналарини ташкил этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмаган.

Сенаторлар томонидан Зарафшон дарёси қирғоғида жойлашган Зарафшон миллий табиат боғи ҳудудида ер ости сувлари сахти 3-4 метрга пасайиши оқибатида дарахтлар қуриб қолаётганиги, Қордарё ва Оқдарёда кум ва шағал ноқоний қазиб олиниши атроф-муҳит, сув ва йўл ҳўжалиги объектиларига салбий таъсир кўрсатганлиги, хозирги кунда дарёларнинг сув сахти 5 метрга пасайиб кетганлиги ҳамда дарёлар узанлари устига қурилган автомобиль йўлидаги кўприкларнинг таъин устунлари очилиб қолганлиги таъкидланди.

Мўхомама яқини бўйича Сенатнинг тегшли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисада сенаторлар томонидан жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳўқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 9 та масала, шу жумладан, 7 та қонун мўхокама қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг давлат идоралари, муассасалари, шу жумладан, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳўқуқи конституциявий норма асосида шаклланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 40-моддасида ҳар кимнинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органлари ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, тақлифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳўқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилди. Ўз навбатида, аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги ҳам Бош қонунимизда акс этган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик корпуси вакиллари ҳам фуқаролардан келадиган аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш, жойларда мурожаатларда баён этилаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳал қилиш, фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалаларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари олдига қўйиш депутатлар фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатасига жисмоний ва юридик шахслардан жами 3777 та мурожаат тушди. Шундан 619 таси Қонунчилик палатаси виртуал қабулхонасидан, 1038 таси фуқаролар қабулидан, 386 таси депутатлар сайёр қабулидан, 1327 таси почта алоқа бўлими орқали тушган.

Депутатларнинг сайловчилар билан ўтказиётган юзма-юз очик мулоқоти ва учрашувлари аҳолининг халқ вакилларига бевосита мурожаат қилиш ва уларнинг муаммоларига ечим топиш имкониятини яратмоқда.

2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида депутатларнинг сайловчилар билан тўғридан-тўғри очик мулоқоти ва учрашувларида жисмоний ва юридик шахслардан 386 та мурожаат қабул қилинган. Сайёр қабуллар жараёнида мурожаатлар сонининг камайиши янги шаклда яратилган Қонунчилик палатаси виртуал қабулхонаси ва депутатларнинг шахсий телеграмм каналлари орқали фуқароларнинг мурожаат этиш имкониятларининг яратилиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси томонидан юборилган мурожаатлар 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида 407 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 23 тага ошган.

Қонунчиликка мувофиқ, мурожаатлар озаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин ва уларнинг шаклидан қатъий назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади. Қонунчилик палатасига йўлланган мурожаатларнинг 2 606 таси ёзма, 1025 таси электрон, 146 таси озаки мурожаатлардир. Улар тахлили ҳисобот даврида Қонунчилик палатасига тақриорий мурожаатлар сони ошганлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, уларнинг 508 таси тақриорий бўлиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 139 тага ёки 27,3 фоизга кўпайган.

Ҳисобот даврида энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳри (20,3 фоиз), Қашқадарё (13,4 фоиз), Тошкент (11 фоиз), Самарқанд (9,6 фоиз), Наманган (8,4 фоиз), Фарғона (6,1 фоиз) вилоятларидан тушган. Ҳудудлардан Қонунчилик палатасига юборилган мурожаатлар сони камайган бўлса-да, айрим худудлардан келган мурожаатлар салмоғи юқориликча қолмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳўқуқ масалалари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталарининг 2023 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти якунлари сарҳисобига бағишланган брифинг ўтказилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси қонун ижодкорлиги йўналишида 14 та қонун лойиҳаси учун масъл бўлди. Шундан 12 таси қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Айни пайтда 1 та қонун лойиҳаси биринчи ўқиш ва 1 таси учинчи ўқиш мўхокамаларига тайёрланмоқда.

Ҳисобот даврида қўмига томонидан назорат-тахлил фаолияти доирасида 10 та давлат ва ҳўжалик бошқаруви органи раҳбарларининг ахборотини эшитишга тааллуқли тадбир ўтказилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратилиб, қўмига номига келиб тушган жами 257 та мурожаатнинг салмоқли қисми ижобий ҳал этилди.

Ҳисобот даврида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси қонун ижодкорлиги йўналишида 4 та қонун лойиҳаси учун масъл бўлди. Шундан 3 таси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Шунингдек, ўтган даврда қўмига сайловчилар томонидан кўтарилаётган масалалар ва жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ҳамда муаммоларга мутасаддилар эътибор қаратган ҳолда халқ этишига устувор аҳамият берилди.

Қўмига аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 24 та депутат сўрови юборилди.

Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратилиб, қўмига номига келиб тушган жами 215 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилган ҳолда уларнинг салмоқли қисми ижобий ҳал этилди.

## Сарҳисоб

# МУРОЖААТЛАР – ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА НАЗОРАТ ИНСТИТУТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг давлат идоралари, муассасалари, шу жумладан, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳўқуқи конституциявий норма асосида шаклланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 40-моддасида ҳар кимнинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органлари ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, тақлифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳўқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилди. Ўз навбатида, аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги ҳам Бош қонунимизда акс этган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик корпуси вакиллари ҳам фуқаролардан келадиган аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш, жойларда мурожаатларда баён этилаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳал қилиш, фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалаларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари олдига қўйиш депутатлар фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатасига жисмоний ва юридик шахслардан жами 3777 та мурожаат тушди. Шундан 619 таси Қонунчилик палатаси виртуал қабулхонасидан, 1038 таси фуқаролар қабулидан, 386 таси депутатлар сайёр қабулидан, 1327 таси почта алоқа бўлими орқали тушган.



Депутатларнинг сайловчилар билан ўтказиётган юзма-юз очик мулоқоти ва учрашувлари аҳолининг халқ вакилларига бевосита мурожаат қилиш ва уларнинг муаммоларига ечим топиш имкониятини яратмоқда.

2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида депутатларнинг сайловчилар билан тўғридан-тўғри очик мулоқоти ва учрашувларида жисмоний ва юридик шахслардан 386 та мурожаат қабул қилинган. Сайёр қабуллар жараёнида мурожаатлар сонининг камайиши янги шаклда яратилган Қонунчилик палатаси виртуал қабулхонаси ва депутатларнинг шахсий телеграмм каналлари орқали фуқароларнинг мурожаат этиш имкониятларининг яратилиши билан боғлиқдир.



Ҳисобот даврида сайловчиларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш, учрашувлар давомида аниқланган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этишда парламент назоратининг таъсирчан шаклларида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 52 та депутат сўрови юборилди. Аҳоли томонидан кўтарилган муайян масалалар депутат сўровлари асосида тегишли мансабдор шахсларга юборилиши ва уларнинг ижобий ҳал этилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминлашига хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, сайловчилар билан мулоқот қилиш, уларнинг мурожаатларини ўрганиш депутатларнинг фаолиятида устувор аҳамият касб этади. Зотан, айнан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари Қонунчилик палатасида мўхомама этилаётган ва қабул қилинаётган қонунларнинг натижадорлиги ҳамда самарадорлигини кўрсатиб беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида

# ҚўМИТА АЪЗОЛАРИ НИМАЛАРГА ЭРИШДИ, НИМАЛАРГА УЛГУРМАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳўқуқ масалалари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталарининг 2023 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти якунлари сарҳисобига бағишланган брифинг ўтказилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси қонун ижодкорлиги йўналишида 14 та қонун лойиҳаси учун масъл бўлди. Шундан 12 таси қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Айни пайтда 1 та қонун лойиҳаси биринчи ўқиш ва 1 таси учинчи ўқиш мўхокамаларига тайёрланмоқда.

Ҳисобот даврида қўмига томонидан назорат-тахлил фаолияти доирасида 10 та давлат ва ҳўжалик бошқаруви органи раҳбарларининг ахборотини эшитишга тааллуқли тадбир ўтказилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратилиб, қўмига номига келиб тушган жами 257 та мурожаатнинг салмоқли қисми ижобий ҳал этилди.

Мисол учун, Тошкент шаҳридан мурожаатлар сони 2022 йилнинг мос даврида 1035 тани ташкил этган бўлиб, ҳисобот даврида 265 тага камайган, аммо жами мурожаатларнинг катта қисми Тошкент шаҳри аҳолиси томонидан юборилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бошқача айтганда, ҳар бешта мурожаатнинг биттиси пойтахтликлардан келиб тушган. Уларнинг энг кўп қисмини судлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги ҳам Бош қонунимизда акс этган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик корпуси вакиллари ҳам фуқаролардан келадиган аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш, жойларда мурожаатларда баён этилаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳал қилиш, фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалаларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари олдига қўйиш депутатлар фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатасига жисмоний ва юридик шахслардан жами 3777 та мурожаат тушди. Шундан 619 таси Қонунчилик палатаси виртуал қабулхонасидан, 1038 таси фуқаролар қабулидан, 386 таси депутатлар сайёр қабулидан, 1327 таси почта алоқа бўлими орқали тушган.

Мисол учун, ҳисобот даврида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Қишлоқ ҳўжалиги ва Сув ҳўжалиги вазирлиқларининг, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон ҳўжалиги агентлигининг ахборотлари эшитилди.

Алоҳида таъкидлаш керак, Қонунчилик палатасига келиб тушаётган мурожаатлар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб ўрганилганда, аҳоли мамлакатимизда кечаётган жараёнларни, Президентимиз бошчилигида барча соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни фанг қўлаб-қувватлаётгани кўзатилади.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир асослантирилган тақлифлар мурожаатларнинг салмоқли қисмини ташкил этмоқда. Ҳисобот даврида 224 та шундай тақлиф келиб тушган. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан юборилган тақлифлар тегишли қўмиталар томонидан мурожаат муаллифлари иштирокида мўхомама қилиб борилди. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича берилган тақлифлар масъл қўмиталар томонидан атрофлича кўриб чиқилган ва асосли деб топилган 15 та тақлиф қонун ижодкорлиги жараёнида инобатга олинган.

## Мушоҳада

# СЕНАТОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАТОР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати қирқ учинчи ялпи мажлисининг иккинчи кунда ҳам қатор долзарб масалалар, қонунлар сенаторлар томонидан қизгин кўриб чиқилди. Ушбу қонунлардан баъзиларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторлар ўзларининг фикрларини баён этди.

## Волонтерлик фаолиятини ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда

**Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Маълумки, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш, мушкул аҳволга тушиб қолганларга ёрдам қўлини узатиш халқимизнинг ўлмас қадрияти даражасига кўтарилган. Бугун ана шу қадрият қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топаётгани диққатга сазовор. Ялпи мажлис давомида сенаторлар томонидан маъқулланган "Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун бунинг яқол мисолидир.

Сир эмаски, охириг йилларда юртимизда волонтерликни ривожлантиришга, фуқаролар ижтимоий ташаббусларини қўлаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий вазифаларини ҳал этишдаги маъсулиятини, бирдамлигини ва ўзаро ёрдам бериш қўнимчаларини кучайтиришга қаратилган ҳўқуқий асослар яратилди. Аммо бу, ўз навбатида, соҳани янада ривожлантириш, давлат органларининг волонтерлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан ҳамкорлигини кучайтириш, ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда волонтерларга қўмақлашиш, уларнинг хизматини эътибор этиш ва рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришни тақозо этаётганди. Янги қонун ана шу ҳаётий зарурат асосида ишлаб чиқилди.

Табиий савол туғилади: амалдаги қонунга қандай янгиликлар киритилди? Бундан жамиятга, одамларга қандай манфаат етади?

Авалло, Вазирлар Маҳкамасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига волонтерлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсади дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳадаги норматив-ҳўқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилганлигини айтиш зарур.

Қолаверса, қонунда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигини волонтерлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи сифатида белгилаш, унинг бу борадаги ваколатларини аниқлаштириш, давлат бошқаруви органларининг волонтерликни қўлаб-қувватлаш ва унга қўмақлашиш бўйича ваколатларини аниқ белгилаш ҳам назарда тутилмоқда.

Умуман, ушбу қонун ёшларимизда ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда жамиятга қўмақлашга, ватанпарварлик тўғрисида тарбиялаш ҳамда фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш ва қўлаб-қувватлашда беқийс аҳамият касб этади.

## Ветеринария хизматларини кўрсатиш сифати оширилади

**Содиқжон ТУРДИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Бугунги кунда юртимизни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққий эттириш шартлари кўп. Шулардан бири, шўбхасиз, ветеринария хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ва ветеринария назоратини таъминлаш билан боғлиқ.

Ялпи мажлисада маъқулланган "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун шу сингари мақсадларни ўзида муҳассас этган.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда ветеринария соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарали ветеринария назоратини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ветеринария соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича замонавий таълим тизимини яратиш, соҳада фаолиятни олиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакилнинг хабардор қилган ҳолда ўтказилиши белгиланмоқда. Яъни "Ветеринария тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасидаги "монеликсиз" сўзи "қонунчиликда белгиланган тартибда" сўзлари билан алмаштирилмоқда.

Бир қарашда бу техник ўзгаришлардек кўринад. Лекин қонунлар, айниқса, ушбу соҳада оид ҳужжатлар амалда бир хил ва самарали қўлашни учун уларда бир-бирига номувофиқ келувчи нормалар бўлмағлиги зарурлигидан келиб чиқилса, бу жуда муҳим ўзгаришлар экани аён бўлади.

Шу маънода айтиш мумкинки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва таъбиқ этилиши ветеринария соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқларини янада ишончлироқ таъминлашга ва давлат ветеринария инспекторлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг тартибини такомиллаштиришга замин яратади.

Ўз навбатида, Сенат аъзолари томонидан қонун муҳокамаси жараёнида киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ветеринария соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектларининг янада таъминлашга ва давлат ветеринария инспекторлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг тартибини такомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Худудларда норузда фойдали қазилмалар ҳамда қурилиш учун кум, чакилган тош маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ихтисослаштирилган санат зоналарини ташкил этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмаган.

Сенаторлар томонидан Зарафшон дарёси қирғоғида жойлашган Зарафшон миллий табиат боғи ҳудудида ер ости сувлари сахти 3-4 метрга пасайиши оқибатида дарахтлар қуриб қолаётганиги, Қордарё ва Оқдарёда кум ва шағал ноқоний қазиб олиниши атроф-муҳит, сув ва йўл ҳўжалиги объектиларига салбий таъсир кўрсатганлиги, хозирги кунда дарёларнинг сув сахти 5 метрга пасайиб кетганлиги ҳамда дарёлар узанлари устига қурилган автомобиль йўлидаги кўприкларнинг таъин устунлари очилиб қолганлиги таъкидланди.

Мўхомама яқини бўйича Сенатнинг тегшли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисада сенаторлар томонидан жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳўқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 9 та масала, шу жумладан, 7 та қонун мўхокама қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси якунланд

# ДИЛДОШЛИК ВА ДУНЁДОШЛИК САОДАТИ



## Дунёни маданият кутқаради

Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунларининг очилиш маросими Бokuда, Хайдар Алиев номидаги мухташам ва музейга санъат саройида бўлиб ўтди. Театр ёки концерт саройи қандай бўлса, спектакль ёки концерт ҳам шунга мос-муносиб бўлади, дейилгани рост. Воқеалар ривожидан бироз олдинга ўтиб айтганда бўлса, мазкур мухташам сарой-да бундай ажойиб ва гаройиб концертни, катта бадиий дастурни кўпчилик кўрмаган бўлса керак!

Икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар индиизи чуқур. Ўзбекистонда Озарбайжон киноусталари тасвирга олган "Аршин мол-олон", "Кайнона" каби фильмлари бир неча авлод мириқиб кўради. Кўриб кулади, қўяди... Биз Мажид Бейбутов, Зайнаб Хонларова, Рашид Бейбутов, Гўлнат Булбул ўғли, Муслим Магомедов, Зайнулла Жабориллов ва бошқа кўшиқчи ҳамда санъаткорларнинг сахнадаги ижраларини яхши биламиз. Озарбайжонда Халима Носирова, Тамаранон, Саодат Қобулова, Ботир Зокиров, Насиба Абдуллаева, Шерали Жўраев, Бобомурод Ҳамдамов, Фаррух Зокиров сингари ўзбек санъаткорларини ўзимизники, деб ардоқлашадим. Репертуарида озар тилида бирикита кўшиги бўлмаган ўзбек кўшиқчиси, ўзбек тилида кўшиги бўлмаган озар санъаткори кам учрайди.

Бадиий дастур аввалида икки мамлакатнинг маданият вазири сўз олди.

— Охириги марта Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтганига қирқ йилдан ошибди, — деди Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков. — Тамал тошини ҳазрат Алишер Навоий ва Низомий Ганжавий қўйган, кейинчалик Шароф Рашидов ва Хайдар Алиев томонидан мустаҳкамланган бу дўстлик алоқалари Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илхом Алиевнинг сиёсий иродаси, узокни қўра билш салоҳияти тўғрисида қайта тикланди... Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор... Уч кун мобайнида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Мухимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри артистлари, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, бундан ташқари, санъат усталари ва ёш хонандаларнинг чиқишлари сизларни мамнун этади, деб ўйлаймиз. Бу байрамона кунлар дарду ташвишлари, орзу-армонлари, тарих ва келажаги ўхшаш бўлган икки халқ ўртасидаги дўстлик ва биродарликни янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбековнинг сўзларидан кейин, Озарбайжоннинг маданият вазири Салим Ашур ўзбекистон маданияти кунлари оғилиш маросимида сўз олди.

— Ўзбек ва озарбайжон — тарихи, тили, дини, қадриятлари, урф-одатлари ўхшаш халқ. Президентларимизнинг иродаси ва ташаббуси билан бу сермазун кунлар, яъни Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилмоқда. Бугунги мураккаб ва зиддиятли замонда, глобал дунёда

ҳамкорлик жуда муҳим. Ўзбек ва озарбайжон халқлари туркий маданият, умуман, башарият маданияти ривожига катта ҳисса қўшган халқлардир. Айниқса, санъат ва маданиятларимиз уйғун ва узвийдир...

Тадбир давомида санъаткорларнинг чиқишлари қарсақлар билан тез-тез бўлини турди. Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Самандар Алимов, Женисбек Пиязов ва бошқа санъаткорларимизнинг чиқишларини томошабинлар ўринларидан туриб, гўлдурор ва давоми қарсақлар билан олқишладим... Қўшиқ ва мусиқанинг таъсири шунчалик бўлдики, баъзи ўринларда ён-атрофимиздан жой олган турли ёшдаги томошабинларнинг пик-пик йиғи товушлари кўлағимизга эшитилди... Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Махмуд Тоир ўқиган шеър ўзбек халқининг озар халқига юксак эҳтиромли сифатида қабул қилинди. Шоир шеърининг биринчи бандини озар тилида ўқигани, айниқса, томошабин-тингловчиларга гоят манзур бўлди.

Концерт тугади. Залда чироклар ёнди. Бошловчилар — Ўзбекистон томонидан Жамшид Умарзоков, Озарбайжон томонидан Гўзалхоним концерт якунларининг эълони қилишга тарадушданиб қолишди. Негаки, олқишлар, қарсақлар сира тўхтама, томошабинлар санъаткорларни, қўшиқ ижрочиларини қайта-қайта сахнага чорлар, гўзал куй-қўшиқлар, дилбар шеърлар уларни бутунлай сеҳрлаб қўйган, улар ўзбек санъатига буткул мафтун бўлиб қолган эди. Олқишлар, қарсақлар чамаси ўн — ўн беш дақиқа давом этди.

Хар ибтидонинг интихоси бўлгани каби бадиий дастур якунига етди. Аммо томошабинлар хозиргина Ўзбекистон санъат усталари ва ёш хонандаларнинг концерти намойиш этилган сахнадан узоклашишни истамас эди.

Залдан аялдек Ажабо, бироз аввал концерт кўрган одамлар саройдан узок кетмайди, ён-атрофда, санъат саройи атрофида айланиб юришди. Ёнимизга келиб, концерт учун бизга миннатдорлик билдириб кетишмоқда. Уларнинг муддаоси — ҳар элда машхур ўзбек кўшиқчилари ва мусиқачиларини кўриб қолиш, уларга ташаккур айтиш, кези келганда улар билан хотира учун суратга тушиш, бу унутилмас дақиқаларни шахсий тарихларига муҳраш бўлса, ажабмас.

Атроф тунги чироклар зиёсидан ён-ёруғ. Унча-мунча ҳар хил бадиий дастурларни кўриб, тайёрлаб ёки шу каби ишларга аралашиб юрган мухтаassis-инсонларнинг эътирофи эътишча, ушбу концерт томошабинларда уйғотган ҳайратлари, эҳтирос ва ҳаяжони, таассурот ва таъсирлари, турли жанрлардаги кўшиқларнинг ижрочилари ва мусиқачилар маҳорати, топкирлиги, хозир-жавоблиги, томошабинларнинг хоҳиш-истаклари, юрак зарблари аниқ ҳис этилган ҳамда шунга қўшиқ ва мусиқа воситасида аниқ жавоб қайтарилгани билан ҳақиқатан тарихий концерт бўлди.

Ушбу концерт Ўзбекистон — Озарбайжон маданий алоқалари, умуман, маданий таъбирлар тарихида ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қолади.

Шундай пайтда, "Ҳа, дунёни маданият кутқаради", дейсиз.

## Адабий дўстлик — абадий дўстлик

Маданият кунлари доирасида пойтахт марказида жойлашган Мирза Фатали Охундов номидаги Озарбайжон Миллий кутубхонасида ўзбек китоблари кўргазмаси ташкил этилди. Улар орасида озар тилига таржима қилинган ўзбек адабиёти намуналари, шу билан бирга, ўзбек тилидаги бадиий асарлар мавжуд. Бokuда ўзбек тилида бадиий китоб ўқийдиган миллатдошларимиз оз эмас. Улар талабалар, нефть-газ соҳаси ёки бошқа тармоқларда меҳнат қилаётган ватандошларимиздир.

Китоб кўргазмасининг очилишида ўзбек адабиёти улкан маънавият ва маърифат ҳазинаси экани, ундан баҳраманд бўлиш ҳар бир инсон, ҳар қандай миллат учун чексиз имкониятлар очиб таъкидланди. Таржима асосида ўзбек адабиёти қардош озарбайжон адабиётига, озарбайжон адабиёти ўзбек адабиётига катта таъсир ўтказди. Адабиётлар бир-бирини бойлатди, тўлдирди...

Дарҳақиқат, адаблар эзгуликка йўғрилган ўз асарлари билан тўҳнадорлик тилларни тушунарли қилади, дилларни яқинлаштиради. Инсонларни, элларни ўзаро ҳамкорга, маслакдошга, фикрдошга айлантиради. Илгари дунё жуда кенг туюларди. Ҳозир эса ундай эмаслиги билини қолди. Бу-да таракқиёт тўҳмаси. Ёзувчи ва шоирлар шу тор дунё шароитида замондошларимизга дилдошликни, дунёдошликни ўргатади.

Кўргазмадан сўнг Миллий кутубхонанинг катта залида улғу адиб Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" китобининг янги наشري кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Ававало, кутубхона ҳақида: унинг очилганига жорий йилининг май ойида юз йил тўлди. Ушбу зиё масканида хозирги пайтда 25 та бўлим, 26 та сектор фаолият юретади. Тўрт ярим миллиондан ортиқ номда турли китоблар сақланади. Кутубхонанинг нодир китоблар бўлимида XII асрга оид кўлемлар ҳам учрайди. Бу ердаги маълумотларга қўра, ўтган асрнинг ўзининги йилларида Холид Саид Хўжаев томонидан Махмуд Кошгарийнинг "Девону луготит-турк" асари озарбайжон тилига таржима қилинган. Аммо ўттиз еттинчи йиллар каттагина таржимон ҳисоб олинган ва катта этилган. Шу билан таржима исзис, таъсир ўйқолган.

Тақдимот маросимида икки ўлка олимлари, адаблар, давлат ва жамоат арбоблари, иждоқор зиёлилари, тадиққотчилар қатнашди. Жавон ва стеллажларда Абдулла

иждоқорлари тайёрлаган ролик намойиш этилди. Издихомга махзун кайфият кўчди. Назар солсак, Хондамир Қодирийнинг кўзида ёш айланмоқда. Нега? Чунки, бизнинг-ча, Қодирий биз учун ёзувчи, унга бобо, отанинг отаси. "Ўткан кунлар" биз учун китоб, Хондамир ака учун эса оддий бадиий асар эмас, ҳаёт, аждодлари билан боғлиқ ҳаётнинг, узилмас узвнинг бир бўлаги, катта сулоланинг ғалабалари ва мағлубиятлари, бахт ва бахтсизликлари, фожиалари ўзига хос тарзда акс этган солнома...

— Президентларимиз Илхом Алиев ва Шавкат Мирзиёевга раҳмат, — дейди Озарбайжон Езларлар бирлиги раҳбари, танкили адиб Анар муаллим. — Алоқа ва муносабатларимиз кучаймоқда. Шу йил Ўзбекистон тарафининг тақлифи билан Навоий шарида ўтган "Мумтоз шеърят" халқаро фестивалида иштирок этдим. Анжуманда саксон беш ёшга тўлишни муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида кура "Дўстлик" ордени билан мукофотланганим мен учун тарихий воқеа бўлди. Бунинг учун давлатингиз раҳбаридан, ўзбек халқидан миннатдорман... Абдулла Қодирий тенгсиз романнавис. Агар қатагон қилинмаганда яна қанча бадиий етук асарлар қолдирган, дунё адабиётини бойитган бўларди...

— Дунё адабиёти уммон бўлса, шу уммонга қўйладики икки нахр мавжуд, — дейди Халқаро туркий маданият ва санъат фонди президенти Гунай Эфендиева. — Озарбайжон ва ўзбек адабиёти. Биз бугун шу икки йирик адабиётни янада мустаҳкам боғловчи ришталарни уламоқдамиз. Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий шу алоқалар сарнамаси бўлса, ўз замонининг маълум ва машхур шоирлари Марварид Дилбозий ва Зулфиянинг иждоий ҳамкорлиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаши адабиётларимиз уфқларини янада кенгайтиргани рост.

Халқаро туркий маданият ва санъат фонди адабий алоқалари мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Бадиий асарларни китоб ҳолида нашр этишни молиялаштиришга. Масалан, озарбайжонлик олим ва адиб Рамиз Аскар ҳазрат Алишер Навоийнинг "Хамса" асарини озарбайжон тилига ўғирди. Таржима китоб ҳолида нашр қилинди. Тез орада Абдурауф Фитратнинг китоби чоп этилади.

**Низомий Ганжавий номидаги Миллий адабиёт музейи директори, Озарбайжон Миллий Мажлиси аъзоси, академик Рафаэл Гусейнов:**

— Абдулла Қодирий нафақат ўзбек адабиёти, балки озарбайжон адабиёти ривож учун ҳам улкан ҳисса қўшди. Афсус-

Келажаги янада истиқболли. Бу истиқболни давлатларимиз Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Илхом Алиевнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги ҳамда юксак босқичга кўтарган сиёсий иродаси таъминлайди ва қафолатлайди...

Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари қизиқарли ва муваффақиятли ўтишида элчиҳонамиз масъул ходимларининг саъй-ҳаракатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ, Сирасини айтганда, "Ўткан кунлар"нинг озарбайжон тилидаги янги наشري, сал аввалроқ Алишер Навоийнинг "Хамса", Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарлари Бokuда элчиҳонамиз кўмағида озарбайжон тилига ўғирилди ва китоб ҳолида чоп этилди.

— Буоқ ўзбек адиби Абдулла Қодирий ўзбек адабиётининг классикларидан, "Ўткан кунлар" эса яратилгандан бўён адабиётсеварлар томонидан ардоқлаб, эъзозлаб ўқиб келинаётган асарлардан биридир, — дейди Озарбайжон Миллий илмлар академияси бўлим мудури, филология фанлари доктори Олмос Улвий Биннатова. — Адибнинг мазкур романи дастлаб 1929 йилда Холид Саид Хўжаев томонидан озарбайжон тилига ўғирилди. Айни нашрга Хенефи Зейналли муҳаррирлик қилган. Шундан кейин ўтган асрнинг ўттизичинчи йиллари охирида иккинчи марта, етмишичинчи йилларда учинчи марта Бokuда босилган. Қанина муҳаррирлигида чоп этилган ушбу китоб озарбайжон тилида "Ўткан кунлар"нинг тўртинчи нашридир... Филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримовнинг Абдулла Қодирий ижоди ва "Ўткан кунлар" романининг озарбайжон тилига қилинган таржималари тарихи тадиққотиға оид маърузаси тўлганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Мен учун одамлар икки тоифага бўлинади, — дея сўз бошлади у. — "Ўткан кунлар"ни ўқиганлар ва уни ўқимаганлар. Юртларни ҳам икки гуруҳга бўлган бўлардим. Биринчиси — "Ўткан кунлар" таржи-ма қилинган, иккинчиси — ушбу бебаҳо асар таржима қилинмаган юмолот... Чунки ушбу романини ўқиш — шахс камолети учун, таржима қилиб нашр этиш мамлакатнинг маънавий-маърифий юксалиши учун кўп нарсга беради.

Сўз олганлар икки қардош халқнинг дўстлигини, унутилмас адабий алоқаларни эътироф этишди.

— Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг маъсад-муддаоси муштарак, — дейди Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Маданият қўмитаси эксперти, танкили шоир Абкар Қўшали. — Эзгу ниятларимизнинг маданият, санъат, адабиёт ва китоб воситасида рўёбга чиқётгани барчамизни қувонтиради. Ўтган асрларда зиёлиларимиз бир-бирларини тилмоқсиз англашган. Биз ҳам шунга интилишимиз керак...

— Қатагон қилинганда Абдулла Қодирий ҳимояси йўлида асли озарбайжон халқи фарзанди шоир Максуд Шайхзода салмоқли мақола ёзган. "Ўткан кунлар" романида Кумуш ва Отабек бир-бирига Фузулий газалларини ўқиб беради, — деди ўз сўзида Абдулла Қодирий уй-музейи директори, адибнинг набираси Хондамир Қодирий. — Мен фурсатдан фойдаланиб, Қодирийлар хонадонини номидан адиб, бобомиз Абдулла Қодирийга кўрсатилаётган кенг камровли эъзоз ва иззат учун Ўзбекистон Президентига, ушбу тадибирларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда жонбозлик кўрсатган Ўзбекистоннинг Бokuдаги элчиҳонаси вакилига, элчи жанобларига, "Ўткан кунлар"ни озарбайжон тилига ўғиршдек машаққатли ишга бош қўшган таржимон, муҳаррир ва нашриёт ходимларига, Ўзбекистон ва Озарбайжон маданият вазириликларини ходимларига самий миннатдорлигини изхор этаман.

Тадбирда Озарбайжон Миллий кутубхонасига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг эсдалик совғалари, Тошкентдан олиб борилган шеърый ва насрий китоблар топширилди.

Тақдимот маросимида сузга чиққанлар атоқли адиб Абдулла Қодирий ва унинг "Ўткан кунлар" романи ўзбек ҳамда озарбайжон халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашда, адабий дўстликнинг абадий



Салим АШУР, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

## Маданият, маънавият, маърифат байрами

Маданият кунлари доирасида мухташам Озарбайжон давлат мусикали академик драма театрида озарбайжонлик мухлислар учун Мухимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрининг "Ўткан кунлар", "Кайнона" спектакли намойиш этилди. "Ўткан кунлар" ушалмаган мухаббатнинг ҳасратли кўшиги бўлса, "Кайнона" ҳаёт ва замон аравадани тўшиб қолган урф-одат даражасидаги иллатлар устидан аччиқ ва заҳарханда кулгидир. Ҳар иккала спектакль театр мухлисларига манзур бўлди. Актёрларнинг ижро маҳорати, режиссёрларнинг кўсилмаган сахнавий ичимлари мухтаassis-лар томонидан ҳам эътироф этилди.

Ўзбекистон делегацияси шарафига уюштирилган байрамона оқшом Озарбайжон ва Ўзбекистон санъат усталарининг дилбар кўшиқлари, бетакдор сахна чиқишлари билан кўпчилигининг ёдида узок сақланиб қоладики бўлди. Айниқса, Озарбайжон ва Ўзбекистон халқ артисти Гуляноқ Маммедова халқларимиз ўртасида кенг қўламли алоқалар мустаҳкамлаб бораётганини қайд этиб, ўзбекча ва озарбайжонча кўшиқлар қўйлади. Ўзбекча айтган кўшиқларга барча жўр бўлди. У сахнадан тушиб, ўтирган санъаткорлар ёнида, улар билан бирга жўшиб кўшиқ қўйлади. Гуёки ичиди бир бўлоқ қайнаб, қўшиқ тўлиб-тошарди. Ўзбек ва озарбайжон халқларининг бирдмелиги, туркий халқларнинг дўстона алоқалари мустаҳкамлашида бу каби маданият кунларининг аҳамияти бекиёк.

Ўзбекистон маданияти кунлари маънавият, маърифат байрамига айлиниб кетди.

**Улкан бахт**

Маълумки, 2022 йили Президент Илхом Алиевнинг Фармони билан бир гуруҳ Ўзбекистон маданият арбоблари қардош мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Озарбайжоннинг юксак давлат мукофотлари билан тадиқрилган эди.

Озарбайжонда ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида ана шу мукофотлар уз эгаларига тантанали равишда топширилди. Бир гуруҳ ўзбек ва озарбайжон давлат ҳамда жамоат арбоблари, санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган йилгишда Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаевага "Озарбайжон Республикаси халқ артисти" фахрий унвони, Ўзбекистон халқ артисти Абдухошим Исмоилов ва Ўзбекистон давлат симфоник оркестри бош дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камоллидин Уринбоевга Озарбайжон Республикасининг "Дўстлик" орденини топширилди.

Денгиз соҳилларидан бошланган Озарбайжон заминида кўтаринки рўҳда ўтган Ўзбекистон маданияти кунларини хотирадан ўтказар экансиз, ҳаёдан шундай фикр кенди:

Ўзбек ва озарбайжон халқларининг дилдош ва дунёдошлиги икки қардош миллат учун катта саодатдир!



Қодирийнинг ўзбек, озарбайжон ва бошқа тилларда турли йилларда нашр этилган китоблари батартиб қўйилган.

**Тақдимоти Миллий кутубхона директори Керим Тоҳиров олиб борди.**

— "Ўткан кунлар" романида нафақат ўзбек, балки озарбайжон халқининг турмуши, урф-одатлари, маданияти ҳам акс этган. Ушбу даврда юртимиздаги ижтимоий муҳит асарда тасвирланган каби бўлган. Шунинг учун биз, озарбайжонликлар "Ўткан кунлар"да ўзимизни курамит ва китобни севиб ўқиймиз, — деди у.

Абдулла Қодирий ҳақида ўзбек кино-

ки, икки ўлкада сиёсий қатагонлар дахшатли кечди. Миллат гуллари бўлган қўллаб зиёлилар умрига зомин бўлди. Асли озарбайжон фарзанди бўлган атоқли шоир Максуд Шайхзода Абдулла Қодирийнинг номи оқланиши ва ижоди рўёбга чиқишида жонбозлик кўрсатган...

**Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги Факултетида ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафонов:**

— Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари кенг камровли Ўзбекистон — Озарбайжон алоқаларининг лоқомотиёви ҳисобланади. Негаки, бу алоқаларнинг тарихи узун.

**TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI**

quyidagi lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

**Neftni qayta ishlash kimyoviy texnologiyasi kafedراسи:** kafedra mudiri.  
**Sifat menejmenti va mahsulotlar xavfsizligi kafedراسи:** kafedra mudiri.  
**Gazni qayta ishlash kimyoviy texnologiyasi kafedراسи:** kafedra mudiri.  
**Analitik, fizikaviy va kolloid kimyo kafedراسи:** kafedra mudiri.  
**O'zbek tili va professional ta'lim kafedراسи:** kafedra mudiri.  
**Xorijiy tillar kafedراسи:** kafedra mudiri.

Yuqoridagi lavozimlarga tegishli nomzodlardan ariza, fotosuratli so'rovnoma, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja, unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati talab qilinadi. Hujjatlar ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida qabul qilinadi.

Manzil: 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 32-uy, institut inson resurslarini rivojlantirish bo'limi, telefon: 71-244-79-31.

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ**

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида

**ХАБАРНОМА (масофадан)**

Хурматли «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлари! Сизга Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ (корпоратив веб-сайт: www.sqb.uz, e-mail: info@sqb.uz) томонидан 2023 йилнинг 29 август куни Тошкент шаҳри вақти билан соат 11:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz/. орқали банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши белгиланганиги маълум қилинади.

**ЙИГИЛИШ КУН ТАРТИБИ:**

Акциядорларга навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси — 2023 йил 4 август. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана — 2023 йил 23 август.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг www.sqb.uz корпоратив веб-сайти орқали танишиш ёки info@sqb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

**Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет орқали электрон овоз бериш хизматидан (http://evote.uz/) фойдаланган ҳолда 2023 йил 29 август Тошкент вақти билан соат 10:00 да бошланиб 11:00 да тўхтаётгани.**

**Мурожаат учун телефонлар: 78-120-45-00 IP:13-30; 94-711-13-75.**

**Халқ сўзи Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқати маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган қўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
 Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.  
 Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.  
 Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100066, Тошкент шаҳри, Исломо Каримов кўчаси, 55-уй.  
 Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
 Мусаҳҳих — С. Исмоилов.

**"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:**  
 Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6